O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

# АССАЛОМ, НАВРӮЗИ ОЛАМ!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
20 март
ШАНБА

№ 22
(12.242)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

# МУРУВВАТ ВА САХОВАТ ТИМСОЛИ

**Наврӯз байрами арафасида ЎзА мухбирлари мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари билан суҳбатлашди.**

**Нодия Иброҳим Каффорий, Миср Араб Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

– Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги. Бу муқаддас замин халқи кўп асрлардан буён ўзининг беназир маданияти, гўзал урф-одатлари, қадрият ва анъаналари билан инсониятни ҳайратга солиб келади. Халқларимиз маънан бир-бирига яқиндир. Ўзбеклардаги меҳр-оқибат, бағрикенглик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик, ўзининг бой тарихи ва бугуни билан фахрланиш фазилатлари ибратлидир.

Ўзбекистонда барча байрамлар ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Мамлакатингиздаги фаолиятим давомида бунга кўп бор амин бўлганман. Атроф гуллар билан бурканган, гўзал табиат ўз чиройини кўз-кўз қилаётган, кўклам нафаси уфуриб турган кунларда, уйғониш ва яшариш фасли бўлмиш баҳорда юртингизда катта тантана билан нишонланадиган Наврўз кишига катта завқ бағишлайди. Бу байрам тинчлик-осойишталик ва тўкин-сочинлик рамзидир. Наврўзни барча қатори мен ҳам орзиқиб кутаман.

**Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан Ҳаёт, Кувайт Давлатининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

– Наврўз айёмини катта тантаналар билан нишонлаш ўзбек халқининг энг гўзал анъаналаридандир. Баҳор нафаси уфуриб, ён-атроф яшил либосга бурканаётган кунларда шундай ажойиб байрам нишонланишида катта маъно бор. Гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат тимсоли бўлган бу айёмни барча орзиқиб кутади. Бир неча йилдан буён ана шу қадрли байрамни халқингиз билан биргаликда нишонлаб келаётганимдан жуда хурсандман.

Мамлакатингизда миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар таҳсинга сазовор.

**Абдулазиз бин Ҳорун, Малайзиянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

– Ўзбекистон халқи Наврўзни нишонлашга катта тараддуд кўраётганига гувоҳмиз. Бу навқирон ва қадимий замин неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, гўзал юртнинг инсонлари ҳам гўзал бўлади. Ўзбек халқининг катта инсонийлик билан йўғрилган бундай гўзал анъаналаридан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқини Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртингиз омон, осмонингиз доимо мусаффо бўлсин.

**ЎзА мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди.**













# ҲАР КЎНГИЛДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Юртимизда борлиқни яшнатиб, уйғониш ва янгиланиш тимсоли Наврўзи олам кезмоқда. Бу – халқимизнинг қадимий ва навқирон, инсонларни ҳамиша эзгуликка чорловчи беназир айёмдир. Бу – элимизнинг яратувчанлик, меҳр-оқибат, саховат каби бетакрор қадриятларини намойиш этувчи, одамлар қалбини эзгу орзу-умидлар билан лиммо-лим қилувчи боқий байрамдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келгани халқимиз учун энг қадрли ва энг азиз миллий байрам – шарқона Янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида, айниқса, ёрқин намоён бўлади.**

Вилоятимизда ҳам Наврўз байрами ҳар йили катта шодиёналар билан нишонланади. Йилдан йилга байрам тантаналари янада кенгроқ тус олаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бунда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳининг байрамолди тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги Наврўз байрами гўзал Паркентнинг сўлим Сўқоқ қишлоғига туташ қирадирлар қўйнида халқ сайли билан бошланди. Наврўз сайлига вилоятимиз туман ва шаҳарларидан ўн мингга яқин одам ташриф буюриб, табиат билан ҳамнафас бўлдилар. Атроф куй-қўшиқ, лапар ва ўйин-кулгиларга тўлиб-тошди.

– Бу йилги байрамга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрдик, – дейди Тошкент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Шоира Аҳмедова. – Негаки, Наврўз бир кунлик байрам эмас. Тантаналар деярли баҳорнинг сўнгги ойигача давом этади. Бугунги Наврўз шодиёналарида туман болалар бадиий жамоалари иштирок этаётир. "Бинафша" болалар фольклор этнографик жамоаси Наврўз ҳақида куй-қўшиқлар, лапар ва айтишувлар тайёрлаб келган. Ўйлайманки, бизнинг чиқишларимиз кўпчиликка манзур бўлади.

Янгийўл туманидан "Қалдирғоч", Янгийўл шаҳридан "Заррин япроқлар" болалар этнографик жамоалари тайёрлаб келган концерт дастурлари ҳам кўпчиликни хушнуд этди.

– Наврўз халқимизнинг энг боқий байрами, – дейди Янгийўл туманидаги "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Кенжабоева. – У нафақат гўзаллик ва нафосат байрами, балки меҳр-оқибат, мурувват ва саховат айёми ҳамдир. Халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик ва ҳомийлик фазилатлари байрам кунлари алоҳида мазмун касб этади. Шу куни ёрдамга муҳтожларга мурувват кўрсатилади. Бу ҳамма жойда бирдек анъана тусини олганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

# Вилоят ҳаёти

## ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЧИНАКАМ ТУҲФА БЎЛДИ

Тўйтепа шаҳридаги «Наврўз» маҳалла аҳли яқинлашиб келаётган айёмни ҳар қачонгиданда байрамона кайфиятда кутиб олмоқдалар. Чунки маҳаллага қўшимча 1,5 километр газ қувурлари тортилиб, аҳоли табиий газ билан тўлиқ таъминланди.

## ЗАНГИОТА ТУМАНИ

### МЕН ОНАМГА ҚЎМАКЧИ

Тумандаги 11-мактабгача таълим муассасасида "Мен онамга қўмакчи" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда муассаса раҳбарияти, ота-оналар ва тарбияланувчилар иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари уй-юмушларини бажариш бўйича олаётган билим ва кўникмаларини намойиш этдилар. Шунингдек, тадбир сўнгида қизалоқлар "Моҳир қўллар" тўгарагида ясаган маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди.

## ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ДОШҚОЗОН АТРОФИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида Наврўз байрами муносабати билан "Сумалак сайли" ўтказилди. Унда туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими аъзолари, маҳалла фаоллари, коллеж ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Ўқувчиларнинг бир-биридан гўзал куй-қўшиқлари, шўх-шўх рақслари байрам дастурига янада файз киритди.

## ҚИБРАЙ ТУМАНИ

### «САРДОР ДУНЁСИ»ГА МАРҲАМАТ

Янгиобод қишлоғида тадбиркор Собир Одинаевнинг саъй-ҳаракатлари билан янги "Сардор дунёси" номли дўкон ишга туширилди. Дўконда озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, рўзғорда фойдаланиладиган хўжалик молларигача бор. Қолаверса, қишлоқ ҳайдовчиларининг оғирини енгил қилиш мақсадида иккита автодўкон ўз фаолиятини бошлади.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

АЁЛ ҚАЛБИ

# МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

**Дейдиларки, меҳр-мурувват барча яхшиликларнинг ибтидосидир. Ўзбек миллатига анчайин хос бу фазилат кўпларга ибрат бўлгулик. Ривоят: бир мамлакат подшоси ўта жоҳил, золим бўлиб, яхшилик, эзгулик хислатлари унга бегона экан. Фуқароларининг ҳам бир-бирига яхшилик қилишларини тақиқлаб қўйибди. Агар кимдир муҳтожларга ёрдам кўрсатса, хайр-эҳсон қилса, икки қўлини кесиб ташлаш ҳақида буйруқ чиқарибди.**



Шунга қарамай, бир аёл очликдан силласи қуриган икки бечорага иккита нон берибди. Бу иш подшонинг қулоғига етиб, унинг қўлларини кесиб ташлабди-ю, боласини елкасига ўтказиб, чўлу биёбонга ҳайдаб юборибди.Оч-наҳор, сарсон-саргардон кезган бечора аёл бир булоққа дуч келибди. Ташналикдан силласи қуриган она эгилиб сув ичаман дебди-ю, елкасидаги боласини сувга тушириб юборибди. Унинг оҳу зорига еру осмон титрабди. Боласини сувдан қутқариб олай деса, қўллари йўқ. Шу пайт мўъжиза рўй берибди: унинг қўллари қайтадан ўсиб чиқибди. У ҳайрон бўлиб, кўкка боқибди. Шунда ғойибдан овоз келибди: "Бу сенинг муҳтожларга берган иккита нонинг, хайр-эҳсонингдир".

Бу ривоятни бежиз келтирмадик. Дунёда ҳар кимнинг ўз қўшиғи, қалб аъмоли, дил изҳори бўлади. Уни қай йўсинда намоён этиш эса ҳар кимнинг ҳаёт тарзига боғлиқ. Кимдир ейиш учун яшайди, кимдир яшаш учун ейди. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Муҳаббатхон Шоюсупованинг ҳаёт тарзи ўзига хос: муҳтожларга ёрдам бериш, кўнглини кўтариш, дардига малҳам бўлиш. Касбига, вазифасига садоқат исми жисмига монанд бу камтарин аёлнинг ҳаёт қўшиғига айланган. Шунданми, вилоятимиз раҳбар аёллари клубига раислик ҳам Муҳаббат опага ишониб топширилган.

– Мен ҳақимда ёзманг, илтимос, – дейди опа самимий. – Ҳали арзирли бир иш қилолганим йўқ! Лекин режаларим, орзу-ниятларим кўп... Келинг, яхшиси, жамғармамиз фаолияти ҳақида сўзлаб берай...

Ёдимда, истиқлолнинг илк Наврўзи кунларида мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси ташкил этилган эди. Халқимизнинг эзгуликка эш, саховатпешалик, бағрикенглик, беғуборлик каби фазилатларини намоён этувчи Наврўз байрами кунлари айниқса, жамғармамиз фаолияти янада жўшқинлик касб этади...

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, ҳудудий комиссияси раиси Рустам Холматов бошқарди.**

**Йиғилишда назорат қилувчи идоралар томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг якуни ва 2010 йилги вазифалар кўриб чиқилди. Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган даврда текширишларни тартибга солишга оид қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан ҳудудий ишчи комиссиялар назорати кучайтирилди.**

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ЭЪТИБОРДА

Ўтказилган мониторинглар натижасида айрим назорат идоралари томонидан "Текширишларни рўйхатга олиш китоб"ини тўлдиришда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Жумладан, китобни тўлиқ ва аниқ тўлдирмаганликлари учун назорат идораларининг 67 мансабдор шахсига чора кўрилди, 53 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 11 мансабдор шахс ёзма равишда огоҳлантирилди ва 3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Вилоятда текширишларни камайтириб бориш тамойили барқарор тус олган. Жумладан, 2009 йил давомида жами 1354 та хўжалик юритувчи субъектлар текширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилдагидан 760 та, яъни 36 фоиз камдир.

Назорат органлари фаолияти мониторингининг самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятда жами 54 та "Ишонч телефонлари" ташкил этилиб, улар орқали 148 та мурожаат қабул қилинган. Вилоят ҳудудий комиссияси қошида ташкил қилинган "Ишонч телефони" хизматига йил давомида жами 20 та мурожаат бўлиб, уларнинг барчаси кенгаш ваколатига алоқадордир. Барча мурожаатлар комиссия ишчи органи томонидан ўрганилиб, улар юзасидан зарур тушунтиришлар берилди.

Йиғилиш сўнгида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

КЎРГАЗМА

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЮРАГИ

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбекистон – Марказий Осиё юраги. Маданият ва тараққиёт" мавзусида V анъанавий фотокўргазма очилди.**

Хорижликларнинг халқимиз ҳаёти тарихи ва ўлкамиз табиатига қизиқиши қадим замонлардан бери давом этиб келади. Фото санъати кашф этилгач, ўлкамиз манзаралари суратларда ҳам ўз аксини топа бошлади.

Жаҳоннинг 25 мамлакатидан 60 га яқин ҳаваскор фотосуратчилар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий бизнес вакиллари ва мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонлар тақдим этган фотосуратлар нуфузли комиссия томонидан саралаб олиниб, шундан 200 дан ортиғи кўргазмага қўйилди.

Фото-лавҳаларда юртимизнинг ўзига хос хусусиятлари, асрлардан асрларга ўтиб келаётган, асраб-авайлаб сақланаётган меъморий ёдгорликлар, қалбни ва ижодий тасаввурни ҳаяжонга солувчи ўлкамиз табиатининг ҳар бир фасли ўз аксини топган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

